

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Усмонов С

Жиззах Давлат педагогика институти доценти

В статье отражены проблемы применение инновационных технологий в учебном процессе. Рассматривается эффективность применение на уроках компьютерной и интерактивных электронных учебных курсов на основе мультимедийной технологий.

Ключевые слова: инновация, мультимедиа, компьютерная технология, интерактив.

This article deals with the USE of multimedia means of informational technology in educative process. Nowadays there are many widely changes of education system by this program. Graduated student`s of colleges and liseium are working in foreign countries.

They are showed that our yong generation have a good natured and well bringing up all of the situation.

Keyword: multimedia, informational technology, interactive electronic teaching.

Эркин шахсни шакллантириш муаммоси бугунги кунда таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш лозимлигини тақозо этади. Бу жараён осон кечмаслиги маълум, лекин жорий этилаётган узлуксиз таълимни қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак.

Педагогикада бошқа илм сохаларидан олинган кўплаб атамалардан фойдаланилади, бу эса педагогиканинг бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисод фанидан энг кўп миқдорда кириб келади, чунки айни шу сохалар ижтимоий

фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади. Чунончи бугун ўқитишнинг тежамкорлиги ва оқилоналиги ўқитувчи, техника ва технология, ўқитишнинг компьютерлаштириш ва шунга ўхшашлар ҳақида тез – тез гапирилмоқда.

Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концепциялар, электрон методик материаллар, Интерактив электрон ўқув курс (ИЭЎК)лар, таълимни компьютерлаштириш ва бошқаларни киритиш ҳамда қўллашга хосдир. Шундай қилиб, янги техник воситалар, янги технологиялар таълимда янги тартиб қоидаларни киритиш учун энг муҳим компонентлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори ушбу вазифани амалга руёбга чиқаришга йўналтирилди. Уларда ахборот жамиятини ривожлантиришнинг стратегик устуворликлари белгиланди, 2002-2010 йилларида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Ушбу кенг қўлами ишларнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборатдир:

- телекоммуникациялар инфратузилмасини ва интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;

- аҳолини компьютер техникаси ва тегишли тармоқ ресурслари билан жиҳозлаш бўйича ривожланган мамлакатлар даражасидан мавжуд қолоқликни бартараф этиш;

 - дастурий таъминотнинг миллий индустриясини барпо этиш;

- мамлакатнинг ягона ахборот маконини ташкил этиш учун зарур бўлган миллий ресурсларини шакллантириш;

 - юқори малакали кадрлар салоҳиятини ошириш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш;

- ахборот-коммуникация технологияларни ва тегишли техник воситаларни стандартлаштириш ва сертификациялашни ривожлантириш;

 - ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

-таълим тизимига янги ахборот технологияларни жорий қилиш;
-тегишли инвестиция ва инновацион лойиҳалар устувор
молиялаштирилиши ва кредит берилишини таъминлаш.

Замонавий педагогик технология шундай билимлар соҳасини, уларнинг воситасида янги минг йилликда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз беради, педагог фаолияти янгиланади, ўқувчи-талабаларда ҳурфикрлик, инсонпарварлик туйғулари тизими шакллантирилади.

Замонавий жамиятнинг ривожланиш босқичлари унга инновацион-компьютер технологияларининг кучли таъсири билан характерланади. Илмий-педагогик фаолиятни ажралмас ва муҳим қисмларидан бири таълим жараёнида инновацион-компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш тизимини мукамал ташкил этишдир. Ҳозирда ушбу йўналишда бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар таълим жараёнида янги методлар ва инновацион технологияларининг қўлланишида ўз аксини топмоқда. Чунки, компьютер ва мультимедия технологиялари асосида интерфаол электрон ўқув курсларидан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга имкон берувчи асосий восита сифатида қаралмоқда. Ҳозирда ёшлар орасида компьютер ва мультимедия воситаларидан фойдаланишни биладиганлар сони сезиларли даражада ошди.

Таълим муассасаларида компьютер технологияларини қуйидан бошлаб ўқитишни йўлга қўйилиши асосий омил эканлигини тан олиш керак. Шу ўринда, ёшлар компьютердан кўпроқ воситаси сифатида фойдаланиши, унинг бошқа фойдали имкониятларини тўлиқ ўрганишга этарли эътибор берилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Бу муаммоларнинг ечими эса педагог кадрлар малакасини, ота-она, жамоатчилик эътибори ва таълим жараёнининг тўғри ташкил этилишидир. Илмий-педагогик фаолияти давомида ҳам компьютер ва мультимедия технология асосида интерфаол электрон ўқув курсларини қўллаш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда. Булардан, мультимедиа воситаларидан фойдаланган

ҳолда электрон ўқув дастурлари ёрдамида ўқитиш, тақдиротлар, билимларни тест синовлари ёрдамида текширишни келтиришимиз мумкин.

Эндиликда таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланмоқда, унга мос ҳолда мазмун ҳам педагогик жараён ҳам янгиланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб борапти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган инновацион технологиялар кириб келмоқда. Рўй бераётган сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, замон талабига жавоб бера оладиган, билимли, комил инсонни тарбиялаш жараёни бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб улар қўйидагилардан иборатдир:

- таълим муассасаларида инновацион технологиялардан фойдаланишга шароит яратиш;
- илмий-услубий таъминот (электрон дарсликлар, услубий қўлланмалар, адабиётлар);
- педагоглар малакасини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда мунтазам ошириш;
- таълим ва тарбия жараёнида масофадан ўқитиш ва ҳ.к.

Республикадаги барча типдаги таълим муассасаларининг компьютер технологиялари билан таъминланиши сўнги йиллардаги энг йирик масштабдаги инновацион лойиҳалардандир.

Компьютер ва мультимедия технологиялари имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда қўйидагиларга эришиш мумкин:

- компьютердан ва интерфаол усуллардан фойдаланиб таълим сифатини ошириш;
- талабаларни дарс мавзусига қизиқтириш;
- билимларнинг пухта ўзлаштиришига эришиш;
- талаба тафаккурини ривожлантириш, яъни ўқувчини фикрлашга ўргатиш;
- талабаларни ўзаро мулоқот (муомала) қилишга фаол иштирокини таъминлаш;
- ўқувчилар гуруҳида мўътадил психологик иқлим яратиш;

- компьютернинг ҳисоблаш, ахборот излаш ва узатиш, ахборотларни қайта ишлаш, график имкониятини ўзлаштириш;
- таълим-тарбия жараёни назоратини диагностикасини ва баҳолашни амалга ошириш;
- тармоқ орқали касбий маҳорат, илмий-услубий адабиётларни алмашиш имконияти;
- таълим муассасаларининг марказлашган бошқаруви.

Бундан кўриниб турибдики, компьютер ва мультимедия воситаларининг имкониятлари нафақат ёшларнинг шахс сифатида шаклланишига кўмак беради, балки уларни қобилиятларининг юзага чиқишига имкон беради. Таълим беришнинг бу услубларидан профессор-ўқитувчи ва талабанинг роли бутунлай ўзгаради. Профессор-ўқитувчи назарий билимларини, турли услубларини ва йўриқномаларини берувчи ўқитувчидан турли шароитларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган малакали маслаҳатчига айланади. Талабанинг ўзи мақсадини шакллантиради, муаммоларни аниқлайди, ахборотларни таҳлил қилади, ҳамда муаммоларни ечиш мумкин бўлган йўллари кўрсатади. Дарс давомида қайд этилган камчиликлар ечиш ва янги ғоялар, албатта, унинг келгусидаги иш фаолиятида ўз аксини топади.

Талабаларга берилаётган вазифалар уларнинг ҳар тарафлама ривожлантириш қаратилиши, ўзини назорат қилишига ва таҳлил қилишига имкон бериши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кундаги педагогик технологияларнинг ҳам асл мақсади, ўқувчиларнинг қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда методикани танлаш, энг самарадор усуллардан фойдаланиб иш фаолиятини ташкил этишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жўраев Р.Х., Тайлақов Н.И. Ахборотлашган таълим муҳити-ўқитиш самарадорлигини ошириш воситаси// Узлуксиз таълим. –2004.– №3. –Б. 3–7.
2. Жўраев Р.Х., Тайлақов Н.И. Масофали таълимда ўқитувчининг ўрни //Халқ таълими. –2004. –№4. –Б. 4–7.

3. Жўраев Р.Х., Тайлақов Н.И., Расулова Г.А. Узлуксиз таълим тизими учун электрон ўқув қўлланмалар яратишга оид илмий–методик талаблар//Узлуксиз таълим. –2005. –№2. –Б. 14–27.

4. Ибрагимов Х.И., Тайлақов Н.И. Янги авлод дарслиklarини яратишнинг дидактик тамойиллари //Узлуксиз таълим. –2004. –№1. –Б.9–15.